# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 6 май, № 89 (5256) Жума

# ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов 5 май куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.**



Ўзбек ва туркман халқларининг тарихи муштарак. Тили, маданияти, урф-одатлари ўхшаш. Аждодларимизнинг илмий, адабий ва маънавий мероси халқларимизнинг умумий мулки саналади. Ўзбек ва туркман азалдан тақдир синовлари даврида бир-бирига елкадош бўлиб, шукуҳли дамларда қувончини баҳам кўриб келган. Биз бир-биримизнинг улоқкўпкаримизда қатнашамиз, бир дарёдан сув ичамиз. Ўзбекнинг тўйида туркман, туркманнинг тўйида ўзбек азиз меҳмондир.

Икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар мустақиллик йилларида янги, сифат жиҳатдан янада юқори босқичга кўтарилди. Бугун Ўзбекистон — Туркманистон ҳамкорлиги 2007 йилда имзоланган Дўстона муносабатларни ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги давлатлараро шартнома руҳида жадал ривожланмоқда. Мунтазам равишда олий даражадаги учрашувлар ўтказиб келинаётгани бунинг ёрқин тасдиғидир.

Ўзбекистон ва Туркманистон раҳбарларининг бу галги Тошкент учрашуви олий даражадаги самарали ва фаол мулоқотларнинг мантиқий давоми бўлди. Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедовнинг яккама-якка суҳбатида Ўзбекистон — Туркманистон муносабатларига доир кенг кўламли масалалар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Туркманистон раҳбарининг ушбу ташрифи ўзаро ишонч, ҳурмат ва манфаатдорлик, яхши қўшничилик тамойиллари асосидаги икки томонлама ҳамкорликка янги суръат бахш этиш борасида томонларнинг саъй-ҳаракат ва интилишлари муштарак эканининг тасдиғи бўлгани таъкидланди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб бораётганини турли соҳаларда имзоланган ҳужжатлар ҳаётга самарали татбиқ этилаётганида ҳам кўриш мумкинлиги қайд этилди.

Ўзбекистон ва Туркманистон БМТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар доирасида изчил ҳамкорлик қилиб келаётгани, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммоларга ёндашувлари, муносабатлари, қарашлари ўхшаш ва яқин экани таъкидланди. Суҳбат чоғида Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов терроризм, экстремизм, уюшган жиноятчилик, наркотрафик каби таҳдидларга қарши курашиш борасидаги ҳамкорликка доир масалаларни ҳам муҳокама этдилар.

Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашилар экан, бу мамлакатда фақат ҳарбий куч ишлатиш йўли билан тинчлик ўрнатиб бўлмаслиги яна бир бор қайд этилди. Мамлакатларимизнинг Афғонистонга қўшни давлатлар иштирокида афғон муаммосини ҳал этиш бўйича музокаралар жараёнини фаоллаштиришга қаратилган янги таъсирчан механизмларни яратиш борасидаги ташаббуслари муҳимлиги таъкидланди.

Ўрта Осиёда сув-энергетика захираларидан самарали фойдаланиш, минтақавий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан ҳам атрофлича фикр алмашилди. Сув-энергетика соҳасига оид масалалар халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёр ва тамойиллари асосида, минтақадаги барча давлатлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, халқаро ташкилотлар иштирокида кўриб чиқилиши зарурлиги яна бир бор таъкидланди. Трансчегаравий дарёларда гидроэнергетика иншоотларини қуриш масалаларига ёндашишда БМТнинг Трансчегаравий очиқ сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ҳамда фойдаланиш бўйича ва Халқаро очиқ сув оқимларидан кемалар қатнамайдиган турда фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги конвенциялари талабларига риоя қилиш зарурлиги қайд этилди.

Президентлар музокарани Ўзбекистон ва Туркманистон расмий делегациялари аъзолари иштирокида давом эттирдилар. Бу музокарада икки мамлакатдан асосий вазирлик ва идоралар, йирик компания ва ташкилотлар мутасаддилари иштирок этгани томонларнинг ўзаро ҳамкорликни барча соҳаларда янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш йўлидаги кучли интилиш ва азму шижоатидан далолат бўлди. Унда асосий эътибор савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорлик масалаларига қаратилди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик кўлами тобора кенгаймоқда. Ўзбекистонда ҳам, Туркманистонда ҳам нефть-газ саноати жадал ривожланиб, хорижий сармоядорлар билан ёқилғи-энергетика мажмуи соҳасидаги ҳамкорлик тараққий этмоқда. Мамлакатларимиз бу соҳада икки томонлама ҳамкорлик баробарида, кўп томонлама лойиҳаларда ҳам фаол иштирок этаётир. 2009 йилда очилган Туркманистон — Ўзбекистон — Қозоғистон — Хитой магистраль газ қувури бунинг яққол далилидир.

Музокарада ушбу магистраль газ қувурини ҳамда энергия ресурсларини минтақамиздан жаҳоннинг бошқа бозорларига экспорт қилиш имконини берадиган муқобил йўналишларни ривожлантириш соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди. Ўзбекистон ва Туркманистоннинг бой табиий ресурсларини жаҳон бозорига етказиш йўналишларини диверсификация қилиш масалаларини биргаликда ўрганиб чиқиш, энергия манбаларини ташишда энергетик хавфсизликнинг глобал тизимини шакллантириш бўйича ҳамкорликни изчил давом эттиришга келишиб олинди.

Транспорт коммуникациялари иқтисодий ҳамкорликнинг яна бир муҳим йўналишидир. Ўзбекистон орқали Туркманистонга, Туркманистон орқали Ўзбекистонга юк ташилади. Мамлакатларимиз ҳудудлари ва ривожланган транспорт-коммуникация тизимлари учинчи давлатлар учун транзит вазифасини ҳам ўтайди. Бу омиллар Ўзбекистон ва Туркманистонда транзит соҳасида йирик салоҳият мавжуд эканидан далолатдир. Мазкур соҳадаги ҳамкорликни янада кенгайтириш нафақат икки мамлакат, балки минтақалар ва қитъалар ўртасида халқаро савдони, кенг кўламдаги сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришда ҳам муҳим ўрин тутади. Президент Ислом Каримовнинг 2010 йил октябрь ойида Туркманистонга расмий ташрифи асносида Ўзбекистон — Туркманистон — Эрон — Уммон — Қатар янги транспорт йўлагини ташкил этиш масаласи алоҳида муҳокама қилинди. Жаҳон бозорига чиқиш учун улкан имкониятлар яратиши мумкин бўлган бу лойиҳани амалга оширишда икки мамлакат ўзаро ишончли ҳамкорлардир. Яқинда мазкур йўлакни барпо этиш бўйича “Ашхобод битими” имзоланди. Унинг ҳаётга татбиқ этилиши иштирокчи мамлакатлар ўртасида ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш баробарида, халқаро транзит юклар ҳажмини оширишга, улар учун жаҳон бозорига янги коммуникация тармоқлари очилишига хизмат қилади.

Савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорликни кенгайтиришга ҳар икки мамлакат ҳам алоҳида эътибор билан қарайди. Бу ўзаро савдо-сотиқ фаоллашаётгани мисолида яққол намоён бўлмоқда. Сўнгги тўрт йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми тўрт баробардан зиёдроқ ошди. 2010 йилда бу борадаги кўрсаткич 200 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Туркманистон ҳукуматлараро қўшма комиссияси мунтазам равишда мажлислар ўтказиб, фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, ҳамкорликнинг янги йўналишларини очиш ва ривожлантириш масалаларига доимий эътибор қаратиб келмоқда. Шу билан бирга, Тошкентда Туркманистон, Ашхободда Ўзбекистон миллий кўргазмаларини ташкил қилиш яхши анъанага айланган.

Музокарада ўзаро савдо номенклатурасини Ўзбекистон ва Туркманистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва хизматлар ҳисобига кенгайтириш зарурлиги таъкидланди. Бу икки мамлакат корхоналари ва компаниялари ўртасида ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларни янада кенгайтиришга, кооперацион ҳамкорликнинг янги самарали шаклларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Музокарада маданий-гуманитар ҳамкорлик масалалари ҳам кўриб чиқилди. Бу йўналишдаги алоқаларни ривожлантиришда халқларимиз ўртасидаги маънавий яқинлик, анъанавий дўстлик ришталари муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида қайд этиш жоиз.

Ўзбекистон ва Туркманистоннинг маданият ва санъат намояндалари икки мамлакатда ташкил этиладиган фестиваль, кўргазма ва форумларда мунтазам иштирок этиб келади. Хусусан, туркманистонлик санъаткорлар Самарқандда ўтадиган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалининг доимий ва фаол қатнашчиларидир.

Олий даражадаги ташрифлар доирасида икки мамлакат санъат усталари иштирокида дўстлик ва санъат фестиваллари ташкил этилиши яхши анъанага айланганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шу кунларда кўҳна ва боқий Бухоро навбатдаги Ўзбекистон — Туркманистон дўстлик фестивалига мезбонлик қилмоқда.

Маданий-гуманитар соҳада 2011 — 2013 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури қабул қилинган бўлиб, у ҳам кўплаб маданий дастурларни ўз ичига олади.

Мулоқот чоғида маданият, санъат, сайёҳлик, спорт соҳаларидаги алоқаларни янада фаоллаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Музокара якунида Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов Ўзбекистон — Туркманистон Қўшма баёнотига имзо чекдилар.

Ўзбекистон Республикаси ва Туркманистон ҳукуматлари ўртасида Савдо ваколатхоналарини ўзаро таъсис этиш тўғрисидаги битим имзоланди. Бу билан томонларнинг мазкур соҳадаги ҳамкорлигини кенгайтиришга доир янги механизм яратилиб, у икки мамлакатнинг иқтисодий тузилмалари учун бевосита “on-line” тартибида иш юритиш имконини беради. Яъни икки мамлакатдаги истеъмолчи ва харидорлар учун бирбири билан танишиш, бизнес-мулоқот ўтказиш, шартномалар тузишда янги қулайликлар туғдиради.

Илмий-технологик ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим эса энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби соҳалардаги муносабатларни ривожлантиришни кўзда тутади.

Шунингдек, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳамда Туркманистон Миллий маданият маркази Миллий кутубхонаси ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди. Мазкур ҳужжат халқаро китоб алмашуви, замонавий кутубхона технологияларини ўрганиш ва амалиётга жорий этиш, ўзаро тажриба алмашиш ва илмий ютуқларни биргаликда ўрганиш борасидаги алоқаларни чуқурлаштиришга қаратилган.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов музокаралар очиқ, ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида, ишчан кайфиятда ўтганини, эришилган келишувлар Ўзбекистон — Туркманистон муносабатларини янада ривожлантиришга, икки мамлакат халқлари фаровонлигини оширишга хизмат қилишини таъкидладилар.

Бўлиб ўтган конструктив ва самарали музокаралар томонларнинг Ўзбекистон — Туркманистон муносабатларига доир кенг кўламли масалалар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга эга долзарб муаммолар юзасидан қарашлари ўхшаш ва яқин эканлигини намоён қилди, деди Ислом Каримов. Мулоқотлар якунида имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон — Туркманистон алоқаларини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Туркманистоннинг ишончли дўсти, муҳим ва фаол шеригидир. Биз Ўзбекистон билан азалий дўстлик, маънавий яқинликка таянган самимий муносабатларни юксак қадрлаймиз, деди Гурбангули Бердимуҳамедов. Бугунги музокаралар томонларнинг ҳамкорликни ривожлантиришга интилишлари муштарак эканини яна бир карра тасдиқлади.

Куннинг иккинчи ярмида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов Мустақиллик майдонига ташриф буюрдилар. Олий мартабали меҳмон ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди, мамлакатимизнинг бош майдонида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юксак баҳо берди.

Президентлар давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2009 йили пойтахтимизда бунёд этилган “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройига ташриф буюрдилар. Сарой йирик халқаро конференциялар, маданий-маърифий тадбирлар, концертлар ўтказиш борасида жаҳон андозаларига тўла мос келади. Бу муаззам бино атрофидаги ландшафт дизайни унга алоҳида кўрк бахш этиб турибди. Туркманистон Президенти саройнинг миллий меъморлик анъаналари ва замонавий архитектура усулларини ўзида мужассам этган меъморий ечими ва дизайнига юксак баҳо берди. Гурбангули Бердимуҳамедов ушбу муҳташам сарой Ўзбекистоннинг ҳар жиҳатдан юксак салоҳиятга эга давлат эканидан яна бир далолат бўлишини алоҳида таъкидлади.

Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг мамлакатимизга расмий ташрифи давом этмоқда.

**Олим ТЎРАҚУЛОВ,**
**ЎзА мухбири.**
**Сарвар ЎРМОНОВ**
**олган сурат.**

## ЎЗБЕК БИЛАН ТУРКМАННИНГ

***Бир дарёдан ҳовучлаб сув ичган эл,***
***Дарёси бир ўзбек билан туркманнинг.***
***Ой-у қуёш нурлари тенг тушган эл,***
***Зиёси бир ўзбек билан туркманнинг.***

***Бир-бирига суянч бўлиб қадимдан,***
***Ўксиганда юпанч бўлиб қадимдан,***
***Битта нонни икки бўлиб қадимдан,***
***Дуоси бир ўзбек билан туркманнинг.***

***Махтумқули куйларининг сири бор,***
***Икки қўлни тутган битта пири бор:***
***Ҳар бир уйда Миралининг шеъри бор,***
***Навоси бир ўзбек билан туркманнинг.***

***Гижинглайди туркманимнинг тулпори,***
***Ер депсинар ўзбегим Бойчибори.***
***Ҳайт, деганда тарқаб кетар ғубори,***
***Сафоси бир ўзбек билан туркманнинг.***

***“Туркман”, десам “ман” деб айтар тоғлар, ҳай!***
***Болга тўлган биз ишонган боғлар, ҳай!***
***Бундай чоғлар дилни мудом чоғлар, ҳай!***
***Дунёси бир ўзбек билан туркманнинг.***

**Иқбол МИРЗО,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

*2011 йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари иқтисодиётни ислоҳ қилиш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар ўзининг юксак самараларини бераётганлигини кўрсатди.*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2011 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

### I. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар

Иқтисодиётдаги таркибий туб ўзгартиришларни чуқурлаштиришни давом эттириш, ишлаб чиқаришни жадал модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни давом эттириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг биринчи чорагида ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг ўсиш суръати 7,6 фоизни ташкил қилди. Бунда 2,7 фоизли паст даражадаги инфляция ҳамда Давлат бюджети профицитини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоиз миқдорида сақлаш таъминланди.

Иқтисодий юксалиш саноат маҳсулотлари ҳажмининг 6,2 фоиз, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 5,8 фоиз, транспорт ва алоқа соҳасида 10,8 фоиз, чакана савдо айланмаси 13,1 фоиз, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 13,8 фоиз, маҳсулот экспорти 28,5 фоизга ўсиши ҳисобига таъминланди.

***2011 йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари***

(2010 йилнинг шу давридагига нисбатан фоиз ҳисобида)

| Кўрсаткичлар | Ўсиш суръатлари |
|---|---|
| Ялпи ички маҳсулот | 107,6 |
| Саноат маҳсулотлари | 106,2 |
| Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш | 110,3 |
| Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари | 105,8 |
| Чакана савдо айланмаси | 113,1 |
| Пуллик хизматлар | 113,8 |
| Экспорт | 128,5 |

### II. Таркибий туб ўзгартиришлар ва юқори технологияларга асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни ривожлантириш

Мамлакат рақобатбардошлилигининг ошишини таъминлаш ва Ўзбекистоннинг жаҳон бозорларидаги позициясини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг биринчи чорагида юқори технологияларга асосланган тармоқлар ва ишлаб чиқаришларда юқори иқтисодий фаоллик кузатилиши самарасида саноатда ишлаб чиқаришнинг ўсишига эришилди.

(Давоми 2-бетда).

## ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ЖАРАЁНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида 2010 йил 12 ноябрь куни тақдим этган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида таъкидлаганидек, ўтган даврда қонун ижодкорлиги жараёни кенгайгани ва соддалашгани, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосланганлигига ва сифатига нисбатан талаблар сезиларли даражада ошгани бу соҳада қонунийликни таъминлашнинг янги ва янада самарали механизмларини яратишни, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунларга, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар эҳтиёжларига мос бўлишини тақозо этмоқда.*

### КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

Истиқлол йилларида қонунчилик ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш, парламент мустақиллигини таъминлаш, уни эркин ва демократик давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Президентимиз Ислом Каримов ташаббусига кўра, мамлакатимизда кенг қамровли парламент ислоҳотлари ўтказилди. 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик

(Давоми 3-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2011 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳисобот даврида кимё ва нефть-кимё саноати (114,1 фоиз), машинасозлик ва металлни қайта ишлаш (108,8 фоиз), енгил саноат (107,1 фоиз), озиқ-овқат саноати (109,3 фоиз) ва тиббий саноат (152,3 фоиз) энг жадал суръатларда ривожланди.

2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги дастур доирасида энергетика, нефть-газ кимёси, кимё, тўқимачилик ва енгил саноат, рангли металлургия, машинасозлик ва автомобилсозлик, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, замонавий турдаги қурилиш материалларини ишлаб чиқариш каби саноатнинг устувор тармоқларини жадал ривожлантиришга қаратилган таркибий туб ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш ишлари давом эттирилди.

Натижада жорий йилнинг биринчи чорагида автомобиллар, нефть-кимё ускуналари, аккумуляторлар, кучлантирувчи трансформаторлар, кабель-ўтказгич маҳсулотлари, кимёвий толалар, дори воситалари ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмлари сезиларли даражада ўсиши таъминланди.

Йирик корхоналарда юк ташиш автомобиллари (21,3 фоизга), енгил автомобиллар (6,8 фоизга), синтетик ювиш воситалари (2,4 баравар), совутгич ва музлаткичлар (8 фоизга), алкоголсиз ичимликлар (11,3 фоизга), ёрма (4,7 баравар), ўсимлик ёғи (9,2 фоизга), маргарини маҳсулотлар (2,4 баравар), хўжалик совуни (15,1 фоизга), ипак матолар (34,9 фоизга), трикотаж буюмлари (28,7 фоизга), тикувчилик маҳсулотлари (9,4 фоизга), дори воситалари (2 баравар) ишлаб чиқариш ҳажмлари ўсди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш, технологик жараёнларни модернизация қилиш ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этиш жараёнини такомиллаштириш ҳисобига саноат ишлаб чиқариш самарадорлигини янада юксалтириш борасидаги ишлар давом эттирилди. Ишлаб чиқаришга илғор технологияларни жорий этиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар ҳисобот даврида Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаларида намойиш этилган ишланмалар негизида 15 та янги турдаги инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконини берди.

Рағбатлантирувчи чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида жорий йилнинг биринчи чорагида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 10,3 фоизга, шу жумладан, озиқ-овқат товарлари 11,5 фоизга, ноозиқ-овқат товарлар ҳажми 9,3 фоизга ўсди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш мақсадида ҳисобот даврида тижорат банклари томонидан истеъмол озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлар ишлаб чиқарувчи корхоналарга технологик ускуналар, хом ашё ва материаллар сотиб олиш учун 156,8 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

Ҳудудларнинг саноат салоҳиятини ошириш ва истеъмол товарлари асосий турларини ишлаб чиқариш бўйича қўшимча ишлаб чиқариш қувватларини яратишга доир дастурлар доирасида жорий йилнинг биринчи чорагида 205 та, жумладан, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришга доир 118 та ва ноозиқ-овқат товарлар ишлаб чиқаришга доир 87 та лойиҳа амалга оширилди.

Республика иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларининг экспорт салоҳиятини, шу жумладан, маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш, юқори қўшимча қийматга эга рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш борасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг биринчи чораги давомида товарлар ва хизматлар экспорти 28,5 фоизга ўсди ва 3,5 миллиард долларни ташкил этди.

Айни вақтда, республика ташқи савдо айланмасининг умумий ҳажми жорий йилнинг биринчи чорагида 5,7 миллиард долларни ташкил этиб, ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси эса 1,2 миллиард доллардан ошди.

Экспорт таркибида машина ва ускуналар (2,6 баравар), қора ва рангли металлар (151 фоизга), кимёвий маҳсулотлар (130,1 фоизга) ва озиқ-овқат товарлари (148,9 фоизга) экспорти ҳажмлари ўсишининг юқори суръатлари таъминланди.

2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари дастурининг амалга оширилиши самарасида банк сектори фаолиятининг асосий кўрсаткичларида ижобий сифат ўзгаришлари рўй бермоқда.

Банк тизимининг умумий капитали жорий йил биринчи чораги охирида 2010 йилнинг шу даврига нисбатан 36,4 фоизга, жалб қилинган депозитлар ҳажми 52,4 фоизга, жумладан, аҳоли маблағлари 1,5 баравар кўпайди. Айни вақтда кредит ташкилотларидаги аҳоли депозитларининг умумий миқдорида муддатли ва жамғарма омонатлари улуши 86,5 фоизни ташкил қилди. Натижада банкларнинг жами активлари ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 33,5 фоизга ошди. Банклар ресурс базасининг кўпайгани уларнинг иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари инвестицион лойиҳаларини амалга оширишдаги иштирокини кенгайтириш имконини берди. Банклар кредит портфели ҳажми 36,2 фоизга ўсди. Бунда кредит қўйилмаларининг 82,3 фоизини узоқ муддатли инвестиция кредитлари ташкил этади.

Жорий йилнинг биринчи чораги давомида тижорат банклари томонидан корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш учун 1,12 триллион сўм ёки 2010 йилнинг шу давридагига қараганда 35 фоиз кўп кредит маблағлари йўналтирилди.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш мақсадида муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони 2010 йилнинг шу давридагига қараганда 1,42 миллион донага кўпайиб, 7,91 миллионтага етди, ўрнатилган терминаллар сони эса 25,2 мингтага кўпайди ва 86,1 мингни ташкил қилди. Бунинг натижасида пластик карточкалар орқали нақд пулсиз тўловлар ҳажми 2010 йилнинг биринчи чорагига нисбатан 2 баравар ошди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон Республикаси Товар-хом ашё биржасининг биржа ва кўргазма-ярмарка савдолари умумий айланмаси 2010 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,6 баравар ошди ва 1170,6 миллиард сўмни ташкил этди. Юқори ликвидли товарлар сотиш ҳажмлари салмоқли даражада, хусусан, рух (2,3 баравар), пахта толаси (3,5 баравар), пахта линти (1,9 баравар), минерал ўғитлар (2,8 баравар), кўмир (2 баравар), полиэтилен (1,4 баравар) ва техник олтингугурт (40 баравар) ошди. Валюта савдо майдончасида экспорт ҳажмларининг ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,2 баравар ўсиши баробарида, қиймати 48,9 миллион долларга тенг битимлар амалга оширилди.

## III. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш

Жорий йил биринчи чорагида амалга оширилган инвестиция сиёсатига оид чора-тадбирлар, аввало, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашга қаратилган стратегик аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди.

Инвестицион лойиҳаларни амалга оширишнинг барча босқичларида уларнинг бажарилиши устидан доимий мониторинг олиб боришни таъминлаш, инвестицион лойиҳаларни амалга оширишга масъул хўжалик бошқаруви органлари ва йирик корхоналар таркибий бўлинмаларини мустаҳкамлашга доир қабул қилинган чора-тадбирлар инвестицион жараёнларнинг жадаллашувига ижобий таъсир кўрсатди.

Натижада жорий йилнинг биринчи чорагида республикада ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 3275,9 миллиард сўмни (2010 йилнинг шу давридагига нисбатан 104 фоизни) ташкил қилди. Иқтисодиётдаги капитал қўйилмалар умумий ҳажмидан ишлаб чиқаришни ташкил этишга 70 фоиздан ортиқ инвестициялар йўналтирилди.

2010 йилнинг шу давридагига нисбатан Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси (3,3 баравар), тижорат банклари кредитлари (1,9 баравар), Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (11 фоизга), корхоналарнинг ўз маблағлари (21,7 фоизга) ва аҳоли маблағлари (2,1 баравар) ҳисобидан ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ҳажмлари сезиларли даражада ўсди.

Техник модернизациялаш дастурлари доирасида жорий йилнинг биринчи чорагида 818 та лойиҳанинг амалга оширилиши давом эттирилди, улардан 145 та ишлаб чиқариш объекти, хусусан, енгил ва тўқимачилик саноатида 38 та, озиқ-овқат саноатида 48 та, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида 37 та, ёғочни қайта ишлаш саноатида 10 та, машинасозликда 3 та, кимё тармоғида 2 та объект фойдаланишга топширилди.

Умуман олганда, Тошкент вилоятидаги «Solay Textile» қўшма корхонасида ва Чуст туманидаги «Стайл текстил» масъулияти чекланган жамиятида трикотаж буюмлар, Ангрен шаҳридаги «Sungreentex» қўшма корхонасида тайёр тикувчилик буюмлари, Пастдарғом туманидаги «Пастдарғом тикувчи» масъулияти чекланган жамиятида болалар кийими ишлаб чиқаришни ташкил этиш, Тошкент шаҳридаги «Remedy Group» масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонасида суртма препаратлари ва линиментлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, «ТТЗ» очиқ акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш майдонларини янги замонавий қишлоқ хўжалик техникаси йиғишни ташкил этиш учун реконструкция қилиш, Тўрақўрғон туманидаги «Наманган қишлоқ қурилиш сервис» масъулияти чекланган жамиятида пишиқ ғишт ишлаб чиқаришни ташкил этишга доир ва бошқа лойиҳаларнинг амалга оширилиши якунланди.

Жорий йил биринчи чорагида 68 та мелиорация объектлари барпо этиш ва реконструкция қилиш ишлари бажарилди. Ҳисобот даврида ушбу ишларни молиялаштиришга Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан йўналтирилган инвестициялар ҳажми 2010 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,8 бараварга кўпайиб, 9,1 миллиард сўмни ташкил қилди. Натижада 84,7 километр коллектор-дренаж тармоқларини тиклаш ва қуриш ишлари якунланди, 173 та лойиҳа бўйича тиклаш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди, 2,3 минг километр коллектор-дренаж тармоқлари тозаланди.

Янги боғлар ва токзорларни яратиш ва мавжудларини тиклаш дастури доирасида ҳисобот даврида 14,4 минг гектар майдонда мевали дарахтлар кўчатлари ва 5,3 минг гектар майдонда токлар экилди. 11,1 минг гектар боғлар ва 5,3 минг гектар токзорлар тикланди.

Қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича чораларнинг бажарилиши шу йилнинг I чорагида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан сабзавотларни 18 фоизга, гўштни 6,5 фоиз, сутни 7,1 фоиз ва тухумни 14,2 фоиз кўп ишлаб чиқариш имконини берди. Йилнинг ўтган даврида қиймати 125,6 миллион долларлик 77 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлари, шу жумладан, 54,8 минг тонна сабзавот, 12,3 минг тонна мева ва 7,9 минг тонна узум экспорт қилинди.

Чорвачиликни ривожлантириш дастурини амалга ошириш, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида чорва моллари сонини кўпайтиришни рағбатлантириш, чорвачиликнинг сервис хизматлар тармоғини яратиш ва озуқа базасини мустаҳкамлаш бўйича бажарилган ишлар самарасида шу йилнинг I чорагида шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига кимошди савдолари орқали 1623 бош зотдор қорамол сотилди, ҳомийлар, нодавлат ва маҳалла жамғармалари ҳисобидан 1660 кам таъминланган оила йирик шохли қорамол билан бепул таъминланди.

Натижада шу йилнинг ҳисобот даврида барча тоифадаги хўжаликларда йирик шохли қорамоллар умумий сони 9,1 миллион бошга етди (2010 йилнинг шу давридагига нисбатан 106,4 фоизни ташкил этди). Шу жумладан, сигирлар 3,73 миллион бошни ташкил этди (105,8 фоиз). Бундан ташқари, I чорак давомида 302 та паррандачилик хўжалиги ташкил қилинди.

Жорий йилнинг I чораги давомида тижорат банклари томонидан фермер хўжаликлари ва агрофирмаларга «АгроМинитехЭкспо» кўргазмалари доирасида минитехнологиялар ва ихчам жиҳозларни харид қилиш юзасидан тузилган шартномаларни молиялаш учун 3,9 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Ҳисобот даврида республика бўйича мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича 10 та корхона, шунингдек, аҳолидан сут қабул қилиш бўйича 5 та шохобча ташкил қилинди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида инфратузилмани ривожлантириш бўйича дастурни амалга оширишга I чорак давомида Бандликка кўмаклашиш жамғармаси, «Микрокредитбанк» ва бошқа тижорат банкларининг 9,2 миллиард сўмлик кредит маблағлари йўналтирилди.

Мобиль алоқа ва интернет хизматидан фойдаланувчи абонентлар сони ҳамда АТСларнинг рақамлашуви даражаси ошганлиги натижасида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 42,7 фоизга кўпайди.

Микро ва истеъмол кредитлашни янада ривожлантириш, тўлов тизимини такомиллаштириш ҳамда молиявий инфратузилма институтларини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган чоралар молиявий хизматлар ҳажмини 25,9 фоизга ошириш имконини берди.

1,2 мингдан зиёд янги чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг ишга туширилгани ички савдо ва овқатланиш хизматларининг 15,2 фоизга ортишига кўмаклашди. 90 дан зиёд маиший хизмат кўрсатиш объектлари ташкил қилинганлиги маиший хизматлар ҳажмини 17,3 фоизга ошириш имконини берди.

Қишлоқ жойларда кўрсатилаётган хизматлар жадал суръатлар билан ривожланмоқда. 843 та чакана савдо объекти, 43 та умумий овқатланиш объекти ва 74 та маиший хизмат кўрсатиш корхонаси ишга туширилиши натижасида қишлоқ жойларда 30,4 минг иш ўрни яратилди.

Амалга оширилган чоралар натижасида жорий йилнинг I чорагида хизматлар умумий ҳажми 2010 йилнинг шу давридагига нисбатан 12,6 фоизга ортди, бу эса ушбу соҳанинг ЯИМдаги улушини 48,5 фоизгача (2010 йилнинг биринчи чорагида 46,4 фоиз) етказиш имконини берди.

## IV. Инфратузилма, транспорт ва коммуникациялар қурилишини комплекс ва жадал ривожлантириш

Шу йилнинг I чорагида халқаро ва давлат аҳамиятига эга умумфойдаланиш автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш объектларида Ўзбек миллий автомагистрали таркибига кирувчи 5 километр автомобиль йўллари фойдаланишга топширилди, шунингдек, А-379 «Навоий — Учқудуқ» автомобиль йўлининг 10 километрида реконструкция қилиш ишлари якунланди.

2011 — 2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисидаги дастур доирасида шу йилнинг I чораги давомида 11 километр темир йўлларни тиклаш ишлари амалга оширилди.

Ўтган даврда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК самолётларида йўловчиларни ташиш ҳажми 2010 йилнинг шу давридагига нисбатан 11,4 фоизга ортди. Навоий шаҳридаги халқаро аэропортдан юкларни жўнатиш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 22,4 баравар кўпайди.

Қурилиш материалларига ортиб бораётган талабни қондириш мақсадида шу йилнинг I чорагида республикада маҳаллий хом ашё ресурслар ва компонентлардан фойдаланган ҳолда, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш бўйича 43 та янги ишлаб чиқариш ташкил қилинди. Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар дастури доирасида жами 34,6 миллион дона ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга 8 та янги ғишт заводи ишга туширилди, 5 та пишиқ ғишт ишлаб чиқариш заводи модернизация қилинди, шу жумладан, 2 та корхона хом ашё компоненти сифатида кўмирдан фойдаланувчи ишлаб чиқаришга ўтказилди.

Уй-жой қурилишини ривожлантириш бўйича кўрилган қўшимча чора-тадбирлар туфайли республикада 1642,2 минг квадрат метр уй-жой, шу жумладан, 1242,6 минг квадрат метр уй-жой қишлоқ жойларда фойдаланишга топширилди, бу эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 14,3 фоиз ортиқдир. 20,9 миллиард сўмлик инвестиция маблағларининг ичимлик суви таъминоти объектларини қуриш ва реконструкция қилишга йўналтирилиши самарасида республика бўйича ҳисобот даврида 287,4 километр, шу жумладан, қишлоқ жойларда 236,9 километр сув тармоқлари фойдаланишга топширилди.

## V. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, максимал даражада қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурини амалга ошириш доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун максимал даражада қулай ишбилармонлик шароити ва муҳитини яратиш борасида меъёрий-ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилмоқда.

Ўтган давр мобайнида кичик бизнес вакилларини давлат харидлари тизимига жалб қилишни кенгайтириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Айни пайтда адлия органларида махсус «ишонч телефонлари» ташкил қилинди, тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текширишлар сони кескин равишда қисқартирилди.

Амалга оширилган чоралар натижасида шу йилнинг I чораги давомида 170 та, шу жумладан, тўқимачилик саноатида — 23 та, қурилиш материаллари саноатида — 49 та, озиқ-овқат саноатида — 75 та, тери-пойабзал саноатида — 2 та ва бошқа соҳаларда — 21 та кичик корхона ишга туширилди. Кичик бизнесда саноат ишлаб чиқариши суръати 117,8 фоизни ташкил этди, бу саноатдаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан анча юқоридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, 2011 йилнинг 1 апрелидан 2014 йилнинг 1 апрелигача бўлган даврда солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган, шунингдек, ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган кичик бизнес субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини солиқ соҳасида текшириш тақиқланди.

Кичик бизнеснинг молиявий ва моддий ресурслардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш мақсадида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредит маблағлари 865,9 миллиард сўмни ташкил этди, шундан 159,8 миллиард сўми микрокредитлар бўлиб, бу 2010 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,4 баравар кўпдир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг хом ашё ресурсларидан фойдаланишини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар кичик бизнес вакиллари томонидан ишлаб чиқаришни таъминлаш мақсадида биржа савдоларида харид қилинган товарлар ҳажмини 1,5 баравар кўпайтириш имконини берди. Кичик бизнес субъектлари томонидан биржа савдолари орқали сотилган ишлаб чиқариш товарлари 1,8 баравар кўпайди. Биржа айланмасининг умумий ҳажмида кичик бизнес субъектлари томонидан тузилган битимлар улуши 82 фоизни ташкил этди.

## VI. Ижтимоий ривожланиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринлари яратиш

Жорий йилнинг I чорагида ҳудудий дастурларга мувофиқ, 219 минг янги иш ўринлари яратилди, шундан 70 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилди.

Янги иш ўринларининг 137,6 мингтаси (62,9 фоизи) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ташкил этилди. Касаначилик фаолияти турларини кенгайтиришга оид чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобига 54,2 минг иш ўрни ташкил этилди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида иқтисодиёт тармоқларининг турли соҳаларга оид ва турлича билим даражасига эга кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълим стандартлари ва дастурларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш, шунингдек, малакали кадрлар тайёрлаш ишлари давом эттирилди.

Янги ташкил этилган бюджетдан ташқари Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан шу йилнинг биринчи чораги давомида умумий ҳажми 18 миллиард сўмлик маблағлар ўзлаштирилди. Ўтган вақт давомида болалар спорти объектларини қуриш ва реконструкция қилишга йўналтирилган капитал қўйилмалар ҳажми Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг маблағи ҳисобидан 3,3 баравар ошди ва 18,4 миллиард сўмни ташкил этди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида 2011 йилга мўлжалланган Инвестиция дастури доирасида соғлиқни сақлаш объектларини қуриш ва реконструкция қилиш учун 23,4 миллиард сўм бюджет маблағлари ўзлаштирилди. Халқаро молия институтлари кредит маблағлари ҳисобидан соғлиқни сақлаш муассасаларини юқори технологияли диагностика ва даволаш-тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш бўйича учта инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда.

2011 йилда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг барқарор ривожланишини, аҳоли бандлигини таъминлаш ва халқимиз фаровонлигини янада оширишга йўналтирилган иқтисодиётнинг барча соҳаларида бошланган модернизациялаш ва янгилаш жараёнларини янада жадаллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун максимал қулай шарт-шароитларни яратиш, инвестициявий фаолиятни рағбатлантириш муҳим вазифалардан бўлиб қолади.

**Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги.**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.**

---

# ЎЗБЕКИСТОН – ҲИНДИСТОН БИЗНЕС-ФОРУМИ

***Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 5 май куни Ўзбекистон ва Ҳиндистон ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбир Ўзбекистон — Ҳиндистон савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалаларига бағишланди. Тадбирда икки мамлакатнинг иқтисодиёт, савдо, сармоя, саноат, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, фармацевтика, сайёҳлик, озиқ-овқат саноати, қишлоқ ва сув хўжалиги, тўқимачилик соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, мазкур форум ўзаро савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни янада ривожлантириш учун янги имкониятлар очишга катта ҳисса қўшиши алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатлар ўзаро ишонч ва ҳурмат, манфаатдорлик ва амалий ҳамкорлик тамойиллари асосида ривожланмоқда. Бунда икки давлат раҳбарларининг мунтазамлик касб этган олий даражадаги учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

Мамлакатимизда ҳинд сармоядорлари иштирокида тузилган 62 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Мазкур мамлакатнинг йигирмага яқин фирма ва компанияси юртимизда ўз ваколатхонасини очган. Улар, асосан, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати, сайёҳлик, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, савдо ва хизмат кўрсатиш каби соҳаларга ихтисослашган.

— Компаниямиз озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлашда қўлланиладиган технологияларни ишлаб чиқариш билан шуғулланади, — дейди Ҳиндистоннинг «Sifter International» компанияси директори Субҳаш Чандер Атриш. — Халқаро стандартларга тўла жавоб бера оладиган маҳсулотларимиз дунёнинг 45 мамлакатига, жумладан, АҚШ, Украина, Руминия, Бангладеш, Испания каби давлатларга экспорт қилинади. Технологияларимиз ёғ, сабзавот, гуруч каби кўплаб маҳсулотларни саралайди, тозалайди ва қайта ишлайди. Юртингизда чет эл ишбилармонлари учун яратилган қулай шароит ва кенг имкониятлар ҳиндистонлик тадбиркорларнинг ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорликка қизиқишини тобора кучайтирмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик, сармояларни ҳимоялаш ва рағбатлантириш, икки томонлама солиқдан қочишга оид битимлар имзоланган. Ўзаро савдода энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган. 2010 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 21,1 фоиз ошди. Бугунги кунда ҳиндистонлик сармоядорлар Ўзбекистон билан пахта саноати, кончилик ва табиий ресурслар каби соҳаларда ҳамкорлик қилишга катта қизиқиш билдирмоқда.

Форумда Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг иқтисодий салоҳияти, имкониятлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантиришга, Ҳиндистон компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этиш, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида қатор қўшма лойиҳаларни амалга оширишга оид масалалар муҳокама қилинди.

Бизнес-форум якунида Ўзбекистоннинг кўплаб компания ва корхоналари ҳамда Ҳиндистон ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа ўтказилди.

**Мадина УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

---

Эҳтиром

*"Хотира ва қадрлаш куни халқимизни янада бирлаштиради, унинг руҳига малҳам бўлади, иродасини бақувват, иймонини бутун қилади".*

# САДОҚАТ ВА ФИДОЙИЛИК ЭЪЗОЗИ

Президентимизнинг бу сўзлари, мана, 12 йилдирки, амалда ўз исботини топиб келаяпти. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 9 май — Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилинганидан буён ҳар йили бу сана республикамизнинг барча гўшаларида катта тантана тарзида нишонланиши билан бирга, халқимиз руҳиятига кўтаринкилик, мустаҳкам ирода ва иймон бутлигига қанот бўлмоқда.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида эл меҳрини қозонган фахрий журналистлар байрам арафасида эъзозландилар. "Инсон — азиз, хотира — муқаддас" деб аталган мазкур тадбир Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилди.

Байрам тадбирида алоҳида таъкидлаганидек, истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида уруш қатнашчилари ва матбуотимиз меҳнат фахрийлари юксак қадрланмоқда. Мазкур учрашувни ўтказишдан мақсад журналистикамиз фидойиларининг меҳнат фаолиятини ёшларга намуна қилиб кўрсатиш, пировардида "Устоз — шогирд" анъаналари бардавомлигини таъминлашдир.

— Бугун 5 фарзанд, 17 невара, 30 чеваранинг бувисиман, — дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, фахрий журналист Фарида Усмонова. — Юртимизда бугун ҳар бир инсон эъзоз топмоқда. Невара ва чевараларимга "Яхшилаб илм ўрганинг, хорижий тилларни пухта ўзлаштиринг. Негаки, сизлар учун яратилаётган бугунгидек шароитлар ҳеч бир даврда, ҳеч бир авлодга насиб этмаган. Президентимизнинг эътибор ва ишончини оқлаш учун ҳам ўқишингиз, шу азиз Ватанга муҳаббат қўйишингиз керак" дея маслаҳат бераман.

Тадбир якунида уруш ва меҳнат фахрийлари, ёши улуғ журналистларга совға-саломлар топширилди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

палатаси тўғрисида”ги Конституциявий қонунлар икки палатали парламентнинг, яъни юқори ҳудудий вакиллик палатаси — Сенат ва профессионал, доимий фаолият кўрсатувчи палата — Қонунчилик палатасидан иборат қонунчилик органи шакллантирилишига олиб келди. Мазкур ислоҳотлар пировардида давлат ва жамият учун муҳим бўлган қонунларда марказ ҳамда ҳудудлар манфаатларининг уйғунлигига, сифат такомиллашувига ва ишлаш самарадорлигига эришишга хизмат қилди.

# ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ЖАРАЁНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

Икки палатали парламентнинг ташкил топиши демократик ривожланишнинг муҳим омили сифатида кенг жамоатчиликнинг эътибор ва эътирофига сазовор воқеа бўлди. Парламент палаталарининг ихтисослаштирилиши парламент тизимини, натижада парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолиятини янги босқичга кўтаришга хизмат қилди ҳамда дунё тажрибасига суянган институционал база яратилди.

Қонун ижодкорлигининг институционал базаси билан биргаликда, ушбу жараённи тартибга солувчи мустаҳкам норматив асос ва тажриба шаклланди. Мисол учун, мустақилликдан бошлаб икки палатали парламент шаклланишига қадар 400 дан зиёд қонунлар қабул қилинган бўлса, икки палатали парламент даврида, яъни қисқа бир даврда 300 га яқин қонунлар қабул қилинган. Ушбу рақамлар давлатимизда ижтимоий муносабатлар жадал ривожланаётгани ва миллий парламентимиз самарали фаолият юритаётганидан далолат беради.

Юқорида номлари зикр этилган иккита Конституциявий қонуннинг қабул қилинишига қадар қонун ижодкорлиги жараёни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”-ги Қонуни ва бошқа ҳужжатлар билан тартибга солиб келинган эди. 2006 йил 11 октябрда қабул қилинган “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Қонун бу борадаги фаолият механизмининг асосий қисмини бир мажмуада мужассам этиб, қонун ижодкорлиги жараёнининг янги босқичини бошлаб берди. Шу маънода, давлат ва жамият ҳаётида муҳим аҳамиятга эга ва Юртбошимиз таъкидлаганидек, бундан ўн йил муқаддам қабул қилинган амалдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳририни қабул қилишни бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси Ўзбекистонни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш борасида Президентимиз раҳнамолигида қарийб 20 йил олдин бошланган жараённи давом эттириш бўйича Олий Мажлис томонидан узоқ муддатли аниқ ҳаракат дастурини ишлаб чиқишда асос бўлади. Мазкур дастур, албатта, сифатли ва самарали қонун ижодкорлиги ёрдамида амалга оширилади.

Қонун ижодкорлиги фаолиятида нафақат қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектлар, балки Адлия вазирлигининг ўрни ҳам беқиёс. “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Қонунда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш соҳасидаги ваколати алоҳида белгилаб берилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ўз ваколати доирасида қонун ижодкорлиги масалаларида давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради ҳамда мазкур фаолиятга услубий жиҳатдан раҳбарлик қилиши, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсати олиб борилишини, қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш, уларнинг амалга оширилишини таъминлаши, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш масалалари бўйича таклифларини кўриб чиқиши ва умумлаштириши, қонунлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиши, уларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, шунингдек, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса бериши лозим. Бундан ташқари, қонун ҳужжатларини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқлаштириш, ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг тизимлилиги ва яхлитлигини таъминлаш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқиши, қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга оид таклифларни таҳлил қилиши ҳамда умумлаштириши ва қонун ҳужжатларини кодификациялаш ишларини амалга ошириши каби ваколатлар ҳам кўрсатиб ўтилган.

Хулоса қилиб айтганда, Концепцияда белгилаб берилган вазифаларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши мамлакатимизда қонун ижодкорлигини янада мукаммаллаштириб, ҳар томонлама пишиқ-пухта қонунлар қабул қилинишини таъминлайди.

**Д. ХАЛМУРАТОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазири.**



***Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан “Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш — демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шарти” мавзуида давра суҳбати ташкил этилди. Унда қуйи палата депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар ходимлари, эксперт-олимлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.***

# АХБОРОТ СОҲАСИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Тадбирда мамлакатимизда фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга катта эътибор қаратилаётгани, бунинг учун қонуний пойдевор яратилгани таъкидлаб ўтилди. Хусусан, Конституциямизда ҳар кимнинг ахборотни монеликсиз излаш, олиш, текшириш, тарқатиш ҳамда ундан эркин фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисидаги меъёр ўз ифодасини топгани бунинг ёрқин тасдиғидир.

Шу билан бирга, тезкор ахборот даври дея таърифланаётган бугунги глобаллашув шароити ҳар бир соҳада изчил модернизация ишларини амалга оширишни тақозо этмоқда. Бу барчамизга маълум ҳаётий ҳақиқатдир. Чунончи, Президентимизнинг Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган устувор йўналишлар ва ҳаётий таклифлар бу борадаги самарадорликни ошириш йўлида дастуриламал ҳисобланади. Унда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш бўйича қонунчилик ташаббуслари жамият тараққиётида муҳим аҳамиятга эга фикрлар хилма-хиллигини қарор топтириш, ОАВ билан ҳокимият органлари ўртасида шаффоф муносабатларни ривожлантиришда айни муддаодир.

Шу кунларда Концепцияда илгари сурилган қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, анжуманда “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”-ги қонунларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақидаги”, “Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонунлар лойиҳалари бўйича таклифлар атрофлича муҳокама қилинди.

Давра суҳбатида қайд этиб ўтилганидек, юртимизда сўнгги йилларда ахборот соҳасини янада демократлаштириш ҳамда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар очиқлигини таъминлашга қаратилган ўнга яқин қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Шу жумладан, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”, ”Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги қонунларда конституциявий меъёр ривожлантирилиб, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар зиммасига оммавий ахборот воситаларига тааллуқли воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисида тўлиқ ахборот бериш вазифаси юклатилган.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги барча давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари интернет тармоғида ўз веб-сайтларига эга. Шунга мос равишда улар томонидан кўрсатилган он-лайн интерфаол хизматлар ҳажми изчил кўпаймоқда. Айни пайтда веб-саҳифалар сони ҳам тобора ортиб бораётир. Масалан, “Uz” доменида 2002 йилда бор-йўғи 587 та сайт бўлган бўлса, ҳозирга келиб уларнинг сони 10 мингтага етди.

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.**

Давра суҳбатида соҳадаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, умуман, Концепциядан келиб чиққан ҳолда, ахборот соҳасига оид қонунчиликни янада такомиллаштириш масаласи, хусусан, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги қонунларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги, “Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳалари бўйича партияларнинг парламентдаги фракциялари аъзолари ўз платформаси асосида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

— “Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”-ги қонун давлат ҳокимияти ва бошқаруви, ахборот соҳасини либераллаштириш ҳамда демократлаштиришга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир, — дейди ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Фахриддин Солиев. — Бунда барча ОАВ давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан эркин фойдаланишда тенг ҳуқуқли эканлиги демократия принциплари, яъни партиямиз дастури ва сайловолди платформаси ғоялари билан муштаракдир. Давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари фаолиятининг очиқлиги эса аҳолининг уларга бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

ЎзХДП фракцияси аъзоси Дилбар Холиқованинг айтишича, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг ошкоралиги юзасидан ахборотни сўров асосида олиш муддатларини аниқлаш, давлат органлари ахборот хизматларини ташкил этиш, тизимли равишда ахборотни янгилаб боришда мансабдор шахслар ҳамда фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини қонунда аниқ белгилаш тезкорликни таъминлашда айни муддао. Бу эса ҳозирги глобаллашув даври жараёнларига уйғундир. Энг муҳими, бу мазкур партия дастурида кўзда тутилган мақсад ва вазифалар билан ҳамоҳангдир.

— Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш келгусида миллий ахборот маконини жадал ривожлантиришга замин яратади, — деди “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзоси Илҳом Абдуллаев. — Бу ўз-ўзидан давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини тартибга солувчи қонунчилик асосларини такомиллаштиришни тақозо этади. Шу боисдан фракциямиз аъзолари мазкур қонун лойиҳаларини пишиқ-пухта тайёрлаш, унинг электоратимиз манфаатига уйғунлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратишаяпти.

“Адолат” СДП фракцияси аъзоси Раъно Гаимованинг фикрича эса, жамиятнинг барча жабҳаларини замонавий технологиялар негизида тараққий эттириш давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти очиқлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, АКТ имкониятларини янада самарали ишга солиш ҳаётимизда тобора долзарб мазмунга эга бўлиб бораётир. Шу боисдан фракциямиз қонун лойиҳасида мана шу жиҳатларга эътибор қаратмоқда.

Давра суҳбатида тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

## Яхши хабарлар

### Замонавий либослар кўпаймоқда

***ФАРҒОНА. Фурқат туманидаги кийим-кечак маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Рўзиматжон ота” корхонасида лойиҳа қиймати 500 минг АҚШ долларилик модернизация тадбирлари амалга оширилди.***

Эътиборлиси, ушбу янгиланишлар корхона жамоасининг ўз маблағи ҳисобига бажарилди. Натижада бу ерда тайёрланаётган маҳсулот сифати тубдан яхшиланди.

Корхонанинг 86 кишилик жамоаси янги имкониятлардан фойдаланиб, жорий йилда экспорт миқдорини икки баробарга, яъни 1 миллион АҚШ долларига етказишни режалаштирмоқда.

### Олис қишлоқда янги корхона

***Сўх туманининг Сарибозорча қишлоғида ака-ука тадбиркорлар Ҳикматжон ва Пайровжон Мирзабековлар саъй-ҳаракати билан колбаса ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхона фаолият бошлади.***

Бунинг учун 50 миллион сўмликдан зиёд маблағ эвазига хориждан замонавий ускуналар олиб келиб ўрнатилди.

Ҳозир корхонанинг 8 кишилик жамоаси томонидан бу ерда кунига ўн турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, савдо шохобчаларига етказиб берилмоқда.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## 9 май — Хотира ва қадрлаш куни

***Нарпайлик икки муаллим, икки фахрий бу йил Хотира ва қадрлаш куни арафасида 88 баҳорни қаршилади. Бутун фаолиятини ёшлар тарбиясига бағишлаган Эшмон Худоёров ва Қурбон Бойматов ҳаётнинг кўп аччиқ-чучукларини кўришган. Уларнинг иккиси ҳам филолог — ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.***

# ҚАЛБ ЭЪТИБОР ВА МЕҲРДАН ЧАРОҒОН

— Толеимдан ўргилай, озодликдан, истиқлолимизнинг тотли мевасидан баҳраманд бўлдим, — дейди туманнинг Тортувли қишлоғида истиқомат қилувчи Эшмон Худоёров. — Узоқ йиллар халқ таълими тизимида ишладим. Аммо бугунгидек эътибор ва эҳтиромни кўрмадим. Ўтган йигирма йил мобайнида мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган эзгу ишларнинг саноғи йўқ. Айниқса, юртимизда кексаю ёш бирдек эъзозда. Юртбошимизнинг “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармонини ўқиб, бир қувончимга ўн қувонч қўшилди.



Эшмон бобонинг айни кучга тўлган йигитлик даври жанггоҳларда ўтди. Лекин бобо давраларда, айниқса, ёшлар орасида ўша оғир кунларни ёдга олишни эмас, мустақиллик йилларидаги беқиёс ўзгаришларни гапиришни хуш кўради. 5 нафар фарзандининг барчаси бугун Ватан, эл хизматида эканлигидан фахрланади. Турмуш ўртоғи Ойдин момо билан бир этак набиралари даврасида яшнаб кетади. Ўтаётган тинч, осойишта кунларига шукроналик билдиради, эзгу ишлар бошида турган давлатимиз раҳбаридан чексиз мамнунлигини изҳор қилади.

Қурбон бобо Бойматов эса туман маркази — Оқтош шаҳрида яшайди. У урушдан сўнг СамДУнинг филология факультетини битириб, узоқ йиллар ёшлар таълим-тарбияси йўлида жон куйдирди.

— Бугунги дориламон кунларнинг қадри баланд, — дейди у. — Бундай ёруғ кунларга фақатгина Президентимизнинг донолиги, жасорати туфайлигина эришдик. Педагог бўлганим боис, бугунги халқ таълими билан бундан 20-25 йил аввалги таълим тизимини таққослайман. Ўртада осмон билан ерча фарқ бор. Ҳозиргидек замонавий таълим кошоналари, махсус фан хоналари, компьютер технологиялари у пайтларда тушимизга ҳам кирмасди. Шу боис истиқлол ёшларига қараб, ҳавас қиламан, уларнинг бахтли замонда улғаяётганидан гўё ёшариб кетгандек бўламан.

Бу ёруғ оламда неки бор, барчаси меҳр ва эътибор нуридан яшнайди, яшаради. Жумладан, инсон қалби ҳам доимо меҳрга ташна... Вилоятимизнинг Оқдарё туманида жойлашган санаторий мустақиллик даврида ўқитувчилар ихтиёрига берилди. Бугун айнан шу сиҳатгоҳга биз, фахрийларни бир пиёла чойга таклиф қилишди, ҳаммамизга совға-саломлар улашилди...

Самарқанд вилояти халқ таълими тизимида ишлаган уруш фахрийлари бугун 92 нафарни ташкил этади. Кўксини давлатимиз орден ва медаллари безаб турган бу инсонларнинг қай бири билан суҳбатлашманг, Президентимизнинг Ватан равнақи йўлида олиб бораётган ишлари ҳақида тўлиб-тошиб, тўлқинланиб гапиришади, ўзларига кўрсатилаётган эътибору эъзоздан бошлари осмонда эканини айтишади.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**Шомурот ШАРАПОВ (сурат),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

# ОИЛАВИЙ БИЗНЕС — РЎЗҒОР БАРАКАСИ

***Шеробод туманидаги “Катта ҳаёт” маҳалла фуқаролар йиғинида 903 та оила истиқомат қилади. Уларнинг олти фоизи аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш билан банд. Темирчилик, пайвандлаш, дурадгорлик устахоналари, тегирмонлар эл хизматида. Хуллас, бекорчи оиланинг ўзи йўқ. Бу жараёнда маҳалладаги тадбиркор аёллар, кайвони онахонларнинг ўз ўрни-мавқеи бор...***

Робия Тешаеванинг хонадони мўъжазгина гилам тўқиш цехига ўхшайди. Робия опа калавани ўзи эшади. Шогирдлари билан арқоқ тайёрлайди. Уларни бўяйди. Хом ашёни, ҳатто бўёқни ҳам бозордан сотиб олишмайди. Қишлоқда қўй кўп. Демак, зарур хом ашё — қўй жуни бисёр. Жунни ювиш, титиш, йигириш, рўён ва бошқа гиёҳлар илдизларидан бўёқ тайёрлаш ишларини ҳам ўзлари бажарадилар.

Робия опа тароқи гилам тўқийди. Гиламни тўқиш учун бир пайтнинг ўзида 4 киши ишлайди: биров арқоқни ё ипни жойлаштирса, иккинчи киши тароқ уради. Учинчи бир киши ортиқча патларни сидиради. Арча гилам, кўчқоршох, шойи гиламлар ана шу тарзда тўқилади. Бундай гиламлар бозорда харидоргир бўлади. Улардан камалакранг нурлар жилваланиб туради.

Роҳат Ҳусанова ўрмаки гиламга уста. Қишлоқ қизлари Роҳат опанинг теварагида парвона. Ўрмаки гиламнинг қурилмаси тез бажарилади. Яъни осонлик билан монтаж қилинади. Тез тўқилади. Пахталик ё жун ип-арқоқлардан тўқилган гилам тўшалган уйнинг файзи бўлакча. Дилноза Ўроқова, Гулҳаё Хушнаева, Насиба Раҳматовани эса қишлоқ аҳли тикувчилик касбининг маликалари деб аташади. Хонадонлари ростакамига ишхонага айланган. Ҳар қайсисининг тўрт-беш нафардан шогирди бор. Буюртмачилар ҳам бегона эмас: қўни-қўшнилар, маҳалладошлар. Улар томонидан тикилган аёллар либосларидан тортиб, замонавий кийим-кечакларгача қўлма-қўл бўлиб сотилади.

Катта ҳаёт — ҳунармандлар маҳалласи. Айниқса, маҳаллада қурилиш ва ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежининг очилгани нур устига аъло нур бўлди. Уста Жўрамурод Нурмоновнинг ясаган белкурак ва кетмони тошни кесади. Ўроғи енгил. Абдурашид Жўраев сандиқ, бешик, хонтахтанинг устаси. Шогирди Анвар Мусаев устозининг санъатидан илҳомланиб, турли ёғоч каравот, мебеллар тайёрлайдиган бўлди. Коллеж ўқувчилари уларнинг устахоналарига боришади. Металлни қиздириш, унга сув бериш, темирдан рўзғор буюмлари ясашни ўрганишади.

— Ёшларимиз касб-ҳунар эгаллаш баробарида, спортга ҳам алоҳида қизиқиш билан қарайдилар, — дейди маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Бибидона Баҳромова. — Маҳалла қошида ташкил қилинган теннис тўгарагига уч-тўрт болали аёлларимиз ҳам қатнашади. Туманнинг марказий ўйингоҳи бизнинг маҳалламизда эмасми, бу ерда қизлар учун енгил атлетика тўгараги ишлаб турибди. “Қўнғироқча” мактабгача таълим муассасасида эса бадиий гимнастика тўгарагини очдик. Маҳалламиз обод. Кўчаларимиз равон. Хонадонларимиз файзли. Тоза ичимлик суви, табиий газ бор. Одамларимиз аҳил. Бир-бирининг иссиқ-совуғидан хабардор. Ҳар бир оилада тадбиркорликнинг қарор топаётгани эса маҳалламизга янада кут-барака бахш этмоқда.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## 2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

## Техник жиҳатдан тартибга солиш:

# АМАЛИЁТ, МУАММО ВА ИСТИҚБОЛ

***Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан “Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ислоҳотлар: амалиёт, муаммолар ва истиқболлар” мавзуида конференция ташкил этилди. Унда қуйи палата депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар ходимлари, олимлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.***

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда бу соҳада мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий пойдевор яратилган бўлиб, изчил такомиллаштирилмоқда.

Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 23 апрелда кучга кирган “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуни ишлаб чиқариш жараёнларига янгича ёндашувларни татбиқ этишда дастуриламал бўлаётир.

Қонунчилигимизда, шунингдек, маҳсулот ва хизматлар учун мажбурий талабларни ўрнатувчи — стандартлаштириш, санитария меъёрлари, экология, ёнғин, ветеринария, энергетика, транспорт қоидаларини мувофиқлаштирувчи кўплаб ҳужжатлар амал қилади. Булар, ўз навбатида, маълум техник тўсиқларни келтириб чиқаради. Мазкур тизим халқаро амалиёт ва ЖСТнинг “Савдодаги техник тўсиқлар тўғрисида” ва “Санитария ва фитосанитария чоралари тўғрисида”ги битимлари талабларига мос эмас.

Конференцияда айтиб ўтилганидек, техник тартибга солишнинг халқаро тизими бу борадаги меъёрларни белгилаш, баҳолаш ва тасдиқлашнинг соддалаштирилган кўринишидир. 2010 йил 27 апрелда концептуал жиҳатдан қабул қилиниб, иккинчи ўқиш учун тайёрланган “Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида мувофиқликни баҳолаш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси айнан шу жиҳатлари билан ҳам муҳимдир.

— Мамлакатимиз глобал иқтисодиёт майдонида ўз ўрнини тобора мустаҳкамлаб бормоқда. Бу борадаги имкониятларни янада оширишда техник жиҳатдан тартибга солишнинг соддалаштирилган ва замонавий тизимига ўтиш айни муддаодир, — дейди ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Н. Сиддиқов. — Бу эса, ўз навбатида, соҳадаги қонунчилик асосларини янада такомиллаштиришни тақозо этади. Бунда, албатта, партиямизнинг асосий электорати бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини тўлароқ таъминлаш, уларнинг халқаро бозорларга бемалол чиқишлари учун шарт-шароитлар яратишга катта аҳамият қаратилиши мақсадга мувофиқдир.

Халқ демократик партияси фракцияси вакили А. Содиқовнинг айтишича, янги қонун лойиҳаси сертификатлаштириш тизимининг аниқ меъёрий асосларини белгилаб олишга хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, соҳадаги айрим мураккабликларнинг олдини олишга замин бўлади.

— Стандартлаш бўйича халқаро ташкилот (ИСО) ўз мувофиқлик меъёрларини ишлаб чиққан, — дейди “Адолат” СДП фракцияси аъзоси А. Сулаймонов. — Маҳсулотларни сертификатлаштириш ва инспекция органлари, синов ҳамда калибрлаш лабораторияларига қўйилган талаблар шулар жумласидандир. Улар орасида аккредитация бўйича андозалар муҳим ўринга эга. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат эса миллий аккредитация идорасининг халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши ва соҳада амалга оширилаётган ишларнинг халқаро майдонга олиб чиқилишида пойдевор вазифасини ўтайди. Шу билан бирга, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида қонунийликни, ҳалол ва тўғри рақобатни шакллантиришда айни муддао бўлиши, шубҳасиздир.

“Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси вакили А. Утемуратов фикрига кўра, мувофиқликни баҳолашнинг миллий тизими равнақ топиши қатор қулайликларни тақдим этади. Хусусан, тадбиркорлар ўз маҳсулотларини чет элда такрорий синов ва баҳолашлардан ўтказмайдилар. Бу эса, ўз навбатида, маблағ ва вақтни тежаш, давлат валюта ресурсларидан унумли фойдаланиш имконини беради. Энг муҳими, юртимизнинг халқаро миқёсдаги миллий манфаатларини ҳимоялашда зарур ҳуқуқий асосларни шакллантиради.

Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг қуйи палатадаги депутатлар гуруҳи аъзоси Х. Аъзамовнинг таъкидлашича, ҳозирги замонда фан-техника жадал тараққий топаётгани атроф-муҳитни асраб-авайлашга эътиборни кучайтиришни тақозо этмоқда. Шунинг учун бу борадаги қонунчиликни такомиллаштиришда табиат мусаффолигини сақлашнинг ҳуқуқий жиҳатларига эътибор қаратиш айни заруратдир.

Йиғилиш якунида муҳокама этилган масалалар бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Саиджон МАХСУМОВ.**

## O'ZSANOATQURILISHBANK

***Мамлакатимиз мустақил тараққиётининг йигирма йиллик даврида ҳаётга татбиқ этилган ислоҳотлар мазмун-моҳиятига назар ташласак, Ватанимиз ободлиги, фуқароларимиз турмуш даражасини янада яхшилаш борасида нечоғли улкан ишлар амалга оширилаётганига амин бўламиз.***

***Дарҳақиқат, Юртбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, "ўзбек модели" дея ном олган миллий тараққиёт йўлимиз нақадар тўғри экани амалда қайта ва қайта ўз исботини топмоқда. Яъни маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бошқарувнинг бозор тизимига ўтиш жараёнида тадрижий ёндашувни, "Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг" деган ҳаётий тамойилга таянган ҳолда, ислоҳотларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш йўлини танлаганимиз улкан марраларни эгаллашимизда муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Жумладан, кенг қамровли ислоҳотлар туфайли юртимиз молия-банк тизимида ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Бу мамлакатимиздаги етакчи молия муассасаларидан бири — "Ўзсаноатқурилишбанк" жамоаси амалга ошираётган ишларда ҳам ўз ифодасини топмоқда.***



# БУНЁДКОРЛИК ВА ЯРАТУВЧАНЛИК ШИЖОАТИ

**«Ўзсаноатқурилишбанк» жамоаси амалга ошираётган ишларда ўз ифодасини топмоқда**

### Истиқболга чорлаган ислоҳот

"Ўзсаноатқурилишбанк" кўп йиллик тарихга эга. Аммо мустақиллигимиз шарофати билан ушбу банк мамлакатимиз молия бозорида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлди. Зеро, ҳозирги кунда у йирик универсал банк сифатида иқтисодиётнинг барча тармоқларига, хусусан, саноат, қурилиш, транспорт, алоқа ва таъминот корхоналари ва ташкилотларига комплекс молия-кредит хизматларини кўрсатиб келмоқда. Ўз вақтида бутун фаолиятини фақат капитал қурилиш соҳасидаги сиёсатни амалга оширишга қаратган мазкур банкнинг бугун иқтисодий ҳаётимиздаги тутган ўрни ва салоҳиятини, очиғи, бир сўз билан ифодалаш қийин. Негаки, ўтган давр мобайнида банк тор доирадаги идоралар ва вакиллик пунктларидан мустақил мамлакатимизнинг йирик молиявий-иқтисодий муассасасига айланди.

"Вақт давомида синалган ишонч!" шиори остида фаолият кўрсатувчи ушбу молия муассасаси ўзининг тўрт минг кишилик аҳил жамоаси кўмагида 50 дан ортиқ анъанавий ва замонавий банк хизматларини кўрсатмоқда. Таклиф қилинаётган шундай кенг қамровли хизматлар орқали "Ўзсаноатқурилишбанк" нафақат молия бозорида, балки миллий иқтисодиётимизда ҳам ўзининг мавқеини мустаҳкамлаб бораётир. Мижозлар ишончи янада ортиб, аҳоли орасида нуфузли молия муассасаси сифатида эътибор қозонмоқда. Шундан бўлса керак, бугунги кунда мамлакатимизнинг турли бурчакларида "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг 43 та филиали, 89 та минибанки, 174 та жамғарма, 150 га яқин махсус кассаси ва бошқа шохобчалари фаолият кўрсатмоқда. Унинг мижозлари сони ҳам бир миллиондан ошиб кетди.

Табиийки, бундай кенг кўламли фаолият унинг молиявий барқарорлигида муҳим ўрин тутади, албатта. Банкнинг жорий йил апрель ойи ҳолатига кўра, Низом жамғармаси 123,8 миллиард сўмни ташкил қилди. Жами кредит қўйилмалари миқдори қарийб 1,4 триллион сўм, умумий активлари ҳажми эса 2 триллион сўмга тенг бўлди. Истиқболда ушбу кўрсаткичларни босқичма-босқич кўпайтириб бориш режалаштирилган.



Банкнинг ўтган йилги фаолияти ҳам анча самарали кечди. Буни биз бир йилнинг ўзида дунёнинг икки энг нуфузли — "Fitch Ratings" ва "Standard & Poor`s" халқаро рейтинг агентликлари "Ўзсаноатқурилишбанк" фаолиятини ижобий баҳолаб, уни ишончли ва барқарор молия муассасаси сифатида эътироф этганлигида ҳам кўришимиз мумкин. Бу эса банкнинг жаҳон молия бозорида ҳам ўзининг муносиб ўрнини топишга интилаётганини англатади. Қолаверса, халқаро даражадаги эътирофга сазовор бўлиш банк фаолиятининг барқарор натижалари, даромад кўрсаткичларининг изчиллиги, мижозлар сонининг ошиб бориши, бой тажрибага эгалигининг ёрқин намойишидир. Бундан ташқари, халқаро эътироф "Ўзсаноатқурилишбанк"ка Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, UBS, LandesBank Berlin, Хитой Эксимбанки, KFW ва дунёнинг бошқа қатор нуфузли молия муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришга кенг йўл очиб беради.

### Рақамлар замирида тараққиёт мужассам

Эл ишончи — олий саодат. Зеро, бугунги кунда "Ўзсаноатқурилишбанк" жамоасига эл-юрт ишонаётган, уларга суянаётган экан, шунинг ўзи энг олий саодатдир. Аҳил ва ташаббускор жамоа бундан руҳланиб, кредит қўйилмалари бозоридаги муваффақиятли фаолиятини давом эттирмоқда. Бу орқали банк тадбиркорларни мақсадли молиявий қўллаб-қувватлаб, хизмат кўрсатаётган корхоналарнинг молиявий ҳолатини соғломлаштиришга кўмаклашмоқда. Энг муҳими, банк иштирокида бугун Қўнғирот сода заводи, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи, Помуқ ва Денгизкўл конларида компрессор станцияси қуриш, "Фарғонаазот" ва "Максам-Чирчиқ" корхоналарида аммиакли ўғитлар ишлаб чиқарувчи қурилмаларни модернизациялаш, "Ғузор — Сурхон" юқори кучланишли электр линиясини ўтказиш, "Навоий" ИЭСда буғ-газ мослама бунёд этиш каби тараққиётимиз учун муҳим аҳамият касб этувчи кўплаб ноёб лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Табиийки, хўжалик субъектларини бу тариқа модернизациялаш, шу орқали иқтисодиётни юксалтириш нақадар аҳамиятли эканлиги хусусида алоҳида тўхталишнинг ҳожати бўлмаса керак. Бу, авваламбор, аҳоли бандлиги, унинг фаровонлиги, даромадларини ошириш, энг муҳими, ижтимоий масалаларни ҳал этиш демакдир. Шу ўринда тасаввур қилиш учун бир мисол. Масалан, банк Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи қурилиши лойиҳасини молиялаштириши эвазига минтақада ноёб ва ягона бўлган завод вужудга келади. Минглаб қўшимча иш ўринлари яратилишини айтмайсизми?! Яна бир аҳамиятли жиҳати, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ғоят зарур маҳсулот билан таъминлабгина қолмай, балки юртимизнинг экспорт салоҳиятини ҳам ошириш имконияти туғилади.

> ***• Жаҳоннинг икки энг нуфузли — "Fitch Ratings" ва "Standard & Poor`s" халқаро рейтинг агентликлари "Ўзсаноатқурилишбанк" фаолиятини муносиб баҳолаб, уни истиқболли, ишончли ва барқарор молия муассасаси сифатида эътироф этди.***
>
> ***• Банкнинг Низом жамғармаси 123,8 миллиард сўмни ташкил қилди.***
>
> ***• Ўтган йили "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг умумий активлар миқдори 2 триллион сўмга тенг бўлди. Банкнинг кредит портфели ҳажми 1,4 триллион сўмга етди.***

"Ўзсаноатқурилишбанк" мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратмоқда. Ўтган йил давомида ушбу соҳага 208 миллиард сўмлик кредит маблағи ажратилди. Шунинг ҳисобига қўшимча олти мингга яқин иш ўрни яратилди. Жорий йилнинг биринчи чораги давомида мазкур соҳага ажратилган 70 миллиард сўмлик кредит эвазига яна қўшимча 1500 дан зиёд киши иш билан таъминланди.

Албатта, "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг кредит қўйилмалари бозоридаги фаолияти фақат шундангина иборат эмас. Айни пайтда банк ёш авлод, аёллар тадбиркорлиги, касаначилигу ҳунармандчилик, фермер хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан тортиб, уларнинг ҳаётий муҳим масалаларини ҳал этиш йўлида ҳам талай ишларни амалга оширмоқда. Биргина "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида жами 85,6 миллиард сўмлик кредитлар ажратилганлиги банкнинг бугунимиз ва эртамизнинг ҳал қилувчи кучи ҳисобланмиш ёшларга бўлган эътибори нақадар катта эканини англатади.

Кўриб турибсизки, "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг молиявий кўмаги билан ижтимоий ҳаётимизнинг турли жабҳаларида чинакам ўзгаришлар юз бериб, одамларда эртанги кунга бўлган ишонч тобора мустаҳкамланмоқда. Айни пайтда мазкур банк жамоаси мақсадли кредит қўйилмалари миқдорини янада кенгайтириш чораларини кўрмоқдаки, булар тез орада бугунгидан-да салмоқли самаралар бериши, шубҳасиздир.

### Жаҳондаги ноёб тажриба

Президентимиз 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида "Тўланмай қолган қарзлари туфайли банкларнинг балансига ўтказилган банкрот корхоналарни молиявий соғломлаштириш борасидаги тижорат банкларининг фаолияти юксак баҳолашга моликдир", дея таъкидлаган эдилар. Айни чоғда давлатимиз раҳбари жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида миллий банк тизими хусусида сўз юритар экан, тижорат банклари корхоналарнинг инвестиция лойиҳаларини жадаллаштиришда фаол қатнашаётгани, булар ундан манфаатдор экани, кредит ташкилотларини зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш жараёнига жалб қилиш тажрибаси амалда ўзини тўла оқлаётганини таъкидлаб ўтган эдилар.

Аслида ҳам шундай. "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг бу борадаги фаолияти фикримизга яққол мисол бўла олади. Президентимизнинг "Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан банк балансига олинган банкрот корхоналарда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича фаолиятини такомиллаштириш, шу билан бирга, лойиҳавий инвестициялаш ҳамда инвестициявий кредитлар беришнинг комплекс чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Шуниси қувончлики, бугунги кунда собиқ банкрот корхоналар негизида ташкил этилган янги муассасаларда ишлаб чиқариш яна тўла йўлга қўйилди. Мингга яқин иш ўринлари яратилди. Дастлабки даромадларга ҳам эга бўлинди. Масалан, банкнинг иқтисодий ночор корхоналарни тиклашга доир йирик лойиҳаларидан бири Хоразм вилоятидаги собиқ "Туямўйинғишт" шўъба корхонаси базасида амалга оширилди. Қайта ташкил этилган "Хоразм брикс" масъулияти чекланган жамиятида йилига 10,8 миллион донадан зиёд пишиқ ғишт ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Ўзбекистон Республикасининг "Банкротлик тўғрисида"ги Қонуни талабларига биноан, банк корхонанинг иш ҳақи ва бошқа биринчи даражали тўловлар бўйича қарзларини тўлаб берди. Керакли ҳажмда инвестиция киритилди. Шу тариқа бир вақтлар қарздорлик ботқоғига ботган, бутунлай хароб бўлган корхона конвейерларидан сифатли ғишт чиқа бошлади.

Табиийки, ҳар бир тижорат банки учун банкрот ҳолатидаги корхоналарни қабул қилиш осон иш эмас. Негаки, катта миқдордаги дебиторлик ва кредиторлик, қолаверса, иш ҳақидаги қарзларни тўлаш кўпчиликни ўйлантириб қўйиши мумкин. Устига-устак, янги замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш ўз-ўзидан амалга ошмаслиги ҳам барчага бирдек равшан. Бунинг учун банк етарли даражада капиталга эга бўлиши лозим. "Ўзсаноатқурилишбанк" — мамлакатимизнинг ана шундай молиявий жиҳатдан барқарор, йирик инвестицион марказларидан бири. Шу боис ҳам, мазкур банк киритаётган инвестициялар банкнинг ички манбаларини жалб этиш ҳисобига амалга оширилмоқда.

— Очиғи, ўша пайтда корхонанинг қайта оёққа туришига ишонмаган эдим, — дейди биз билан суҳбатда банкрот корхоналар негизида қайта ташкил этилган "ПСБ-Антекс групп" раҳбари Абдулазиз Ҳакимов. — Эскирган дастгоҳлар, хароба аҳволдаги бино гўё энди ҳеч кимга керак эмасдек туюларди. Корхонанинг қайта оёққа туришига бўлган умид йўқ ҳисоби эди.

> ***• Банк мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада оширишда муҳим аҳамият касб этувчи ўнлаб йирик инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда фаол иштирок этмоқда.***
>
> ***• Ўтган йилда мазкур молия муассасаси мамлакатимиз иқтисодиёти учун жами 1 триллион сўмга яқин кредит ажратгани нафақат корхоналарнинг юксалиши, балки халқимиз фаровонлиги ва Ватанимиз ободлиги йўлида беқиёс улуш бўлди.***
>
> ***• 2010 йил давомида биргина кичик бизнес субъектларига ажратилган 208 миллиард сўмлик кредитлар эвазига 6 мингга яқин янги иш ўрни яратилди.***

Ҳақиқатан ҳам, излаганга имкон топиларкан. Банк жамоасининг ғайрат-шижоати, улар томонидан сарф қилинган катта миқдордаги сармоя, энг муҳими, давлатимиз раҳбарининг доимий қўллаб-қувватлаши ҳисобига корхоналарга янгича ҳаёт бахш этилмоқда. Биргина янгитдан ташкил этилган Андижон вилоятидаги "ПСБ-Антекс групп" масъулияти чекланган жамияти ҳатто ўз маҳсулотларини хорижга ҳам экспорт қилиш салоҳиятига эга бўлди. Бу мамлакатимизда ўтказилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг оддий бир ифодасидир. Банкнинг бу борада эришган ютуқларини истаганча келтириш мумкин.

### Афзалликда тенги йўқ

Сир эмас, кейинги вақтларда аҳолини биринчи даражали тўловлар билан таъминлаш, яъни иш ҳақи, пенсия ва турли нафақаларни вақтида эгаларига етказиш масаласи ўз ечимини топди. Боиси — нақд пулнинг банкдан ташқари айланишини қисқартириш устидан қатъий назорат ўрнатилди. Бунда, айниқса, тижорат банклари томонидан амалга оширилаётган тадбирлар яхши самара бераётир. Қолаверса, мамлакатимиз Президентининг "Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори молия муассасаларининг ушбу йўналишда олиб бораётган саъй-ҳаракатларини янги сифат босқичига кўтарди.

Гапнинг рости, бир вақтлар оддий бир карточкага бутун жамғарма жойлаштирилиб, у орқали нафақат мамлакат, балки жаҳоннинг исталган жойида маблағга эга бўласиз, дейишса кўпчилик ишонмасди. Бугун эса пластик карточкалар орқали нақд пулсиз муомаланинг амалга оширилиши оддий воқелик бўлиб қолди.

Шу маънода, "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг бу жабҳада кўрсатаётган хизматлари ҳам ривожланмоқда. Ҳозирда 700 минг нафарга яқин киши мазкур банк пластик карточкаларидан фойдаланмоқда. Савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида ўрнатилган терминаллар сони қарийб тўрт ярим минг донага етди. Бундан ташқари, аҳолини нақд пул маблағлари билан таъминлаш учун 23 та банкомат ишламоқда.

Ўтган йил мобайнида банкнинг пластик карточкалари орқали пул айланмаси 363,6 миллиард сўмни ташкил қилган бўлса, шундан савдо шохобчалари ва банк хизматлари кўрсатиладиган жойларда 326 миллиард сўмлик тўловлар амалга оширилди.

"Ўзсаноатқурилишбанк"нинг филиаллари томонидан савдо ва сервис нуқталарида ўрнатилган VISA терминаллари орқали бошқа тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган DUET тизимидаги пластик карточкаларга ҳам хизмат кўрсатилмоқда. 2011 йил 1 январь ҳолатига кўра, DUET тизимидаги пластик карточкалари орқали қабул қилинган тўловлар 122,1 миллиард сўмни ташкил этди.

Ҳозирда VISA пластик карточкалари орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш ишлари давом эттирилмоқда. Яқинда пластик карточкалар ва POC-терминаллар харид қилиш мақсадида банк томонидан ўтказилган тендер савдоларида бир ярим минг дона терминал ва юз минг дона пластик карточкалар сотиб олинди.

Яна бир янгилик. Яқинда дунёга машҳур "VISA International" халқаро компанияси "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг VISA карточкалари бўйича Ўзбекистондаги ўзаро ички ҳисоб-китобларини амалга оширувчи ягона банк сифатида эътироф этиб, у билан бундан кейин ҳам ҳамкорлик қилишга ишонч билдирди.

Шуни ҳам айтиш кераккки, банк жамоаси мижозларга тезкор, аниқ ва сифатли хизмат кўрсатиш борасида жаҳоннинг энг нуфузли банклари билан ҳам бемалол рақобат қила олишини исботламоқда. Масалан, "Ўзсаноатқурилишбанк" пул ўтказмалари бозорида нафақат мамлакатимиз, балки халқаро миқёсда ҳам етакчи ўринда туради. Бугунги кунда банк ўз мижозларига бир вақтнинг ўзида "Contact", "Migom", "Interexpress", "Blizko", "Western union" ва "UNIStream" каби халқаро пул ўтказмаларини тақдим қилмоқда. Бу эса банкка сайёрамизнинг турли минтақаларини қамраб олиш имкониятини яратиб, мазкур тизимлар фойдаланувчиларига қўшимча қулайликлар туғдираётир. Шу билан бир вақтда пул ўтказмаларининг тезкор амалга оширилиши, уларнинг хавфсизлиги ва юқори бўлмаган хизмат ҳақлари — мазкур тизимга эҳтиёж борлигини исботлади. Банк филиалларидаги жамғарма кассаларда амалга оширилаётган халқаро пул ўтказмалари аҳоли эътиборини қозонди.

Бундан ташқари, банк мижозларга янада қулайлик яратиш ва ишончли хизмат кўрсатиш йўлида энг сўнгги замонавий технологияларни жорий қилмоқда. Хусусан, банкда мижозларга масофадан туриб кўрсатиладиган ўнлаб хизмат турлари — "Банк — мижоз", "Интернет — банкинг", "SMS — банкинг" каби қатор дастурлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мижозлар сонининг ошишига хизмат қилмоқда.

Бундан кўриниб турибдики, банк ўзининг кенг қамровли хизматлари билан аҳолининг молия муассасаларига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаб, иқтисодиёт тармоқларини молиялаштириш учун мустаҳкам ресурс базасини кенгайтираяпти, пул оқимларини банк айланмасига кўпроқ жалб этишга ҳаракат қилаяпти.

### Мақсад моҳиятни ифодалайди

Маълумки, акциядорларнинг умумий йиғилиши акциядорлик банклари бошқарувининг олий органи ҳисобланади. "Ўзсаноатқурилишбанк" ўз акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилишида фаолиятнинг барча йўналишлари бўйича барқарор кўрсаткичларга эришган ҳолда етиб келди. У мамлакатимиздаги қудратли, салоҳиятли ва ишончли универсал тижорат банкларидан бири сифатида юртимиз молия бозоридаги етакчилик мавқеини янада мустаҳкамлаб бормоқда.

Аммо бугунги кунда қилинган ишларга холис, танқидий ва таҳлилий нуқтаи назардан қараш, истиқболни ўйлаб, дадил ва ишонч билан қадам ташлаш, эришилган ютуқлар билан кифояланмасдан, янада истиқболга интилиш зарурлигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Президентимизнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида банк тизимини янада такомиллаштириш билан боғлиқ қатор долзарб вазифалар белгилаб берилди. Қолаверса, давлатимиз раҳбари томонидан 2011 йил юртимизда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилинди. Унга биноан Давлат дастури қабул қилинди.





Табиийки, бу ҳаётий долзарб, мамлакатимиз тараққиётини белгилаб берувчи вазифалар "Ўзсаноатқурилишбанк" фаолиятида ҳам дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Шу билан бирга, банк миллий молия тизимини янада такомиллаштириш, иқтисодиётнинг аниқ тармоқларига инвестицияларни кўпроқ жалб этиш, саноатни модернизация қилиш жараёнида фаол қатнашиш ва шу орқали мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада оширишни ўзининг устувор мақсадларидан бири деб, билади. Шундай экан, "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг бутун фаолияти Юртбошимиз раҳнамолигида ўз келажагини ўз қўли билан яратаётган бағрикенг халқимизнинг фаровонлиги, буюк ва мустақил Ватанимизнинг тараққиёти, ободлиги йўлида олиб борилаётган эзгу ҳамда кенг қамровли ислоҳотларга қаратилаверади.

**Фурқат САНАЕВ.** t

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 503. 68231 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.15 Топширилди — 01.50 1 2 3 4 5